



Zafar FAKHRIDDINOV^a 

^a Head of the Department, Imam Maturidi
International Scientific Research Center
A.Qadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan
E-mail: z.fahriddinov@iiia.uz

МУҲАММАД ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ «ТАҲСИЛ НАЗОИР АЛ-ҚУРЪОН» ҚЎЛЁЗМАЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Annotatsiya. Мақолада Муҳаммад Ҳаким Термизийнинг «Таҳсил назоир ал-Қуръон» асарининг мавжуд қўлёзмалари манбаишunoslik жиҳатдан таҳлил қилинади. Асарнинг ҳозирги кунгача маълум бўлган икки нусхаси – Искандария (Баладия кутубхонаси, 3585җ/II) ва Қоҳира (Дар ал-қутуб ал-Мисрийя, 19516–) нусхалари – тузлиши, ҳажми, хат тури, котиблари, сақланиш жойи ва тарихий хусусиятлари батафсил тавсифланади. Искандария нусхаси уч асар жамланган тўпламнинг ўртасида жойлашгани боис яхши сақланиб қолган. Қоҳира нусхаси 1936 йилда Маҳмуд Ҳамдий томонидан Искандария нусхасидан кўчирилган бўлиб, таркибида қўшимча икки асар мавжуд. Тадқиқотда турли манбалардаги рақамлар, ўлчамлар, саналар ва котиб исмлари ҳақидаги тафовутлар таҳлил қилиниб, уларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланади. Натижада, асарнинг қўлёзма анъанасига оид батафсил тавсиф ва аниқликлар келтирилади.

Kalit soʻzlar: Муҳаммад Ҳаким Термизий, Таҳсил назоир ал-Қуръон, Искандария нусхаси, Қоҳира нусхаси, қўлёзма, манбаишunoslik, котиб, Баладия кутубхонаси.

COMPARATIVE ANALYSIS OF THE MANUSCRIPTS OF «TAHSIL NAZAIR AL-QUR'AN» BY MUHAMMAD HAKIM TIRMIDHI

Abstract. The article presents a source-based analysis of the extant manuscripts of Muhammad Hakim al-Tirmidhi's *Tahsil nazair al-Qur'an*. Two known copies – the Alexandria manuscript (Baladiya Library, 3585җ/II) and the Cairo manuscript (Dar al-Kutub al-Misriyya, 19516–) – are described in detail regarding their structure, size, script, scribes, storage, and historical features. The Alexandria copy is preserved within a collection of three works, its position in the middle contributing to its good condition. The Cairo copy was transcribed in 1936 by Mahmud Hamdi from the Alexandria version and includes two additional works not found in the original collection. The study examines discrepancies in numbering, dimensions, dates, and scribal names across different sources, explaining their origins. As a result, the manuscript tradition of the work is clarified through detailed codicological descriptions.

Keywords: Muhammad Hakim al-Tirmidhi, *Tahsil nazair al-Qur'an*, Alexandria copy, Cairo copy, manuscript, source studies, scribe, Baladiya Library.

КИРИШ

Муҳаммад Ҳаким Термизий (в. тахм. 932 й.) асарлари исломий илмлар, айниқса, тасаввуф, тафсир ва калом соҳаларида ўзига хос ўринга эга. Унинг бой илмий мероси орасида «Таҳсил назоир ал-Қуръон» асари ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, Қуръони карим маъноларини англаш ва шарҳлашда ўзига хос услуб ҳамда илмий ёндашувни намоён этади. Мазкур асарнинг бизгача етиб келган ягона қадимий нусхаси Мисрнинг Искандария шаҳридаги Баладия кутубхонасида 3585җ/II рақами остида сақланиб, у Ҳаким Термизийнинг «ал-Масоил ал-макнуна» ва «Китоб ар-радд ала-л-муаттила» асарлари билан бир жилда жойлашган. Бу ҳолат асарнинг бенуқсон сақланишига ва кейинги илмий тадқиқотлар учун манба сифатида қимматини оширишга хизмат қилган.

Шу билан бирга, «Таҳсил назоир ал-Қуръон»нинг Қоҳирадаги «Дор ал-кутуб ал-Мисрийя» кутубхонасида сақланаётган янги нусхаси ҳам мавжуд бўлиб, у Искандария нусхаси асосида XX асрнинг 30-йилларида кўчирилган. Ҳар икки нусха ҳам ўз таркибий хусусиятлари, хат усули, ўлчамлари ва сақланиш ҳолати жиҳатидан фарқ қилади. Мавжуд қўлёзмалар ва уларнинг фотонусхалари ўртасидаги айрим тавсифий зиддиятлар эса асарнинг манбашунослик таҳлилини амалга оширишни талаб қилади.

Ушбу тадқиқотда «Таҳсил назоир ал-Қуръон» асарининг маълум қўлёзма нусхалари илмий-манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганилиб, уларнинг келиб чиқиши, тузилиши, сақланиш ҳолати ва илмий аҳамияти ҳақида батафсил таҳлил берилади. Бу орқали асарнинг тарихий қийматини аниқлаш ва кейинги нашр ҳамда тадқиқотлар учун мукамал манба базасини яратиш кўзда тутилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

«Таҳсил назоир ал-Қуръон» асарининг ҳозирги кунда иккита қўлёзмаси маълум бўлиб, улардан қадимий нусхаси Мисрнинг Искандария шаҳридаги Баладия кутубхонасида 3585җ/II рақам остида сақланади. Мазкур қўлёзма муаллифнинг бошқа асарлари билан бир жилда бўлиб, ушбу тўпламдан унинг «ал-Масоил ал-макнуна» (Яширин масалалар, 3585җ/I) ва «Китоб ар-радд ала-л-муаттила» (Муаттила фирқасига раддия,

3585җ/III) асарлари ҳам ўрин олган. Яъни, «Таҳсил назоир ал-Қуръон» асари тўпламда «ал-Масоил ал-макнуна» ва «Китоб ар-радд ала-л-муаттила» асарларининг ўртасида жойлашган. «Таҳсил назоир ал-Қуръон»ни ушбу қўлёзма асосида нашрга тайёрлаган ва 1969 йилда чоп эттирган Ҳусний Зайдоннинг гувоҳлик беришича, айти жойлашув асарнинг нисбатан бенуқсон сақланиб қолишига ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилган.

Тўпламнинг котиби Абу Ғоним Муҳаммад ибн Ҳибатуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Ҳибатуллоҳ ибн Аҳмад ибн қози Абу-л-Фазл Ибн ал-Адим ал-Уқайлий ал-Ҳалабий (ваф. 1262 й.) бўлиб, у Абу Жирода ва Ибн Адим номлари билан машҳурдир. Ибн Адим тарихчи, факих, муҳаддис, хаттот сифатида жуда машҳур шахс бўлиб, у ҳақида Ёкут Ҳамавий (1178-1229) ҳам батафсил маълумотлар бериб ўтган. Ибн Адим Ҳаким Термизийнинг ҳозирга қадар сақланиб қолган аксар асарлари котиби сифатида ҳам машҳур.

Искандария тўпламидан жой олган асарларнинг тавсифи. Искандария тўпламида тартиб бўйича келадиган биринчи асар «ал-Масоил ал-макнуна» (Яширин масалалар, 3585җ/I) асари бўлиб, мазкур асарда Ҳаким Термизийнинг фикх, тафсир, ҳадис, тавҳид, тасаввуфга оид рисола ва масалалари жамланган бўлиб, уларнинг барчасида тасаввуф руҳи сезилиб туради. Кўриб чиқилган масалаларда асосий эътибор валоят, маърифат, нафс ва қалб ўртасидаги кураш каби мавзуларга қаратилган. «ал-Масоил ал-макнуна» таркибий жиҳатдан муайян бир тартибда ёзилмаган. Чунки, асар турли хил мавзудаги масалаларни қамраб олган. «Масала»ларни боблар деб оладиган бўлсак, бобларнинг баъзилари бир неча ўн вароқдан иборат бўлса, айримлари бир неча сатрдан ошмайди. Умумий ҳисобда «ал-Масоил ал-макнуна»да 66 масала ва рисолалар жамланган. Улар жумладан, фикх ва ҳадис илмларини номақбул йўл билан эгаллаш, Аллоҳнинг йўлига ҳикмат ва яхши панд-насиҳат билан даъват қилиш, Аллоҳнинг исмлари, қабр эгаларидан ибрат олиш, мерос, сабрли инсоннинг хислатлари, Муҳаммад ибн Фазлга жавоб мактуби, маърифат, илм, ақл, фаҳм, зеҳн ва хотира, нафс макри, зикр ва унинг даражалари ҳамда бошқа масалаларни ўз ичига қамраб олади. Ушбу асарнинг иккинчи қўлёзмаси ҳам мавжуд бўлиб, у Лейпцигдаги Ҳаким Термизийнинг асарлари қўлёзма тўпламида (№212; 227 варак,

1214 й. кўчирилган) сақланади ва бу қўлёзманинг котиби ҳам Ибн Адим.

1980 йилда Азҳар университети профессори Муҳаммад Иброҳим Жуюший «ал-Масоил ал-макнуна» нашрга тайёрлаб чоп эттирган (at-Termizi, 1980). Шунингдек, Жуюший 1980 йилда Ҳаким Термизийнинг асарлари ва қарашлари хусусида махсус тадқиқот ҳам яратди (al-Juyushiy, 1980).

3585^ҳ тўпламидан жой олган охири асар – «Китоб ар-радд ала-л-муаттила» эса 2017 йилга қадар нашр этилмаган эди. Ушбу асарнинг илмий наشري Ҳусом Абу-р-Раҳаб ва Одил Зарқий бошчилигидаги бир гуруҳ мисрлик тадқиқотчилар томонидан тайёрланган бўлиб, унда ҳам айнан Искандария нусхасига асос сифатида таянилган.

Ҳаким Термизийга нисбат берилаётган «Китоб ар-радд ала-л-муаттила» асари ҳақида қисқача тўхталинадиган бўлса, ушбу асарни Аллоҳнинг сифатлари ҳақида сўз юритилган олти юз олтмиш олти (666та) турли даражадаги ҳадислар жамланган ҳадис тўплами, дейиш мумкин. Асарда келтирилган ҳадислар мавзуларига кўра бўлимларга тақсимланган бўлиб, ҳар бир бўлим «боб» номи билан бир-биридан ажратилган, боблар эса номланмаган. Ҳадислар қабул қилиниши ёки рад этилиши лозимлиги баён қилинмаган ва шарҳланмаган, ровийларнинг даражаси ҳам очиқ берилмаган. Мазкур асар услуб ва ёндошув жиҳатидан Ҳаким Термизийнинг бошқа асарларидан кескин фарқ қилади. Боз устига Ҳаким Термизий бошқа асарларида ҳадис ривоятларини шарҳсиз куруқ санад билан келтиришни қаттиқ танқидга олган. Бундан ташқари тўпланган ҳадисларнинг деярли барчаси ташбеҳ ва тажсимга оид бўлиб, Ҳаким Термизий асарларида бундай ёндошув учрамайди. Шу сабабдан, ушбу асарни Ҳаким Термизийга нисбат берилувчи асарлар қаторига киритиш мумкин.

Искандария нусхаси. Искандария тўпламидан иккинчи бўлиб жой олган «Таҳсил назоир ал-Қуръон» ушбу тадқиқотнинг объекти бўлиб, у ҳақда мазкур бобда батафсил тўхталинади. Асарни нашрга тайёрлаган Ҳ.Зайдон қўлёзма ҳақида қуйидаги тавсифий маълумотларни ҳам бериб ўтади. Ушбу қўлёзма йирик ўлчамдаги 32 варақдан иборат бўлиб, тўпламнинг ўртасида 48-варақидан 79-варақигача бўлган ораликни эгаллайди. Асар аниқ-тиниқ насх хатида ёзилган, аммо унда кўп имло хатолар мавжуд. Баъзи Қуръон

оятларининг ёзилишида ҳам хатоликлар бор. Шунга қарамай, асар сўзларнинг тушиб қолиши ва бошқа нуқсонлардан деярли холи. Котиби Ибн Адим бўлиб, 1110 йилда¹ кўчирилган. Ушбу қўлёзманинг фотонусхаси Қоҳирадаги «Дору-л-кутуб ал-Мисрийя» кутубхонасида 3282^ҳ рақами остида сақланмоқда. Шунингдек, Ҳ.Зайдон ушбу қўлёзмадан кўчирилган янги нусха ҳам борлигини айтиб ўтган (at-Termizi, 1969).

Асарнинг бошланиши:

بسم الله الرحمن الرحيم || قال أبو عبد الله رحمة الله عليه...

«Меҳрибон – марҳаматли Аллоҳ номи ила! Унинг узра Аллоҳ раҳмати бўлсин, Абу Абдуллоҳ деди...»

Асарнинг охири:

انتهى بحمد الله ومنه وصلواته على سيدنا محمد وآله وصحبه

«Аллоҳга ҳамд билан ниҳоясига етди, жанобимиз Муҳаммад ва унинг хонадони ва саҳобалари узра салават бўлсин!»

Ҳ.Зайдон асл (3585^ҳ) нусханинг ўлчамлари ва сатрлар миқдори ҳақида маълумот бериб ўтмагани боис, ушбу жилд – тўпламдаги бошқа асарларни нашрга тайёрлаган тадқиқотчиларнинг ишларига мурожаат қилишимиз лозим бўлади. Ушбу тўплам таркибидан биринчи жой олган «ал-Масоил ал-макнуна» асарини нашрга тайёрлаб, 1980 йилда чоп эттирган мисрлик олим Муҳаммад Жуюший нашрнинг муқаддимасида тўпламнинг сақлов рақамини 145 تصوف, деб келтирган. Шунингдек, ушбу нусха Ҳ.Зайдоннинг нашрига асос бўлганини таъкидлайди (at-Termizi, 1980:37). М.Жуюший ушбу маълумотни Ҳаким Термизийнинг илмий мероси атрофича ёритилган бошқа бир тадқиқотида ҳам келтириб ўтган ҳамда унинг ягона нусхада сақланиб қолганини ҳам қайд этган (al-Juyushiy, 1980). Аммо М.Жуюшийнинг ушбу тўпламдаги «Таҳсил назоир ал-Қуръон»нинг таркибий тузилиши ва хусусиятлари ҳақида келтирган маълумотлари Ҳ.Зайдоннинг нашридан кескин фарқ қилади. М.Жуюший қўлёзманинг тавсифий хусусиятлар ҳақида қисқача маълумот келтириб ўтган. Хусусан, у котибнинг исмини Муҳаммад ибн Ҳибатуллоҳ ибн Абу Жирод, деб келтиради. Тўпламдаги ўзи тадқиқ қилган «ал-Масоил ал-макнуна» асарининг ҳар бир бетида 21 сатр, ҳар сатрда 11тадан сўз бор, кўчирилган санаси ҳижрий 593 йили 17 жумоди-л-уло, деб

¹ Ҳ.Зайдон қўлёзма кўчирилган йилни 503 й. деб нотўғри кўрсатган. Қўлёзманинг кўчирилган йили 593 й.

кўрсатган. М.Жуюший қўлёзма ҳақида бошқа маълумот келтирмаган.

М.Жуюшийнинг тақдим этган маълумотлари етарли эмаслиги ва айрим жиҳатлари Ҳ.Зайдон келтирганларидан (сақлов рақами, кўчирилган вақти, котибнинг исми, асарнинг таркиби) фарқли экани боис, уларнинг ўзи билан кифояланиш қўшимча чалкашликларни юзага келтиради.

«Китоб ар-радд ала-л-муаттила» нашрида Искандария тўпламининг хусусиятлари ҳақида қуйидаги тавсифлар келтирилган:

«Искандариянинг Баладия кутубхонасидаги 3585җ рақамли нусха Ҳаким Термизийнинг учта асарини ўз ичига олиб, улар «ал-Масоил ал-Макнуна», «Таҳсил назоир ал-Қуръон» ва ушбу китобимиз («Китоб ар-радд ала-л-муаттила»). Ушбу тўплам варақларининг сони 125та. Китобимиз («Китоб ар-радд ала-л-муаттила») тўпламдаги энг охириги бўлиб, 45 варақдан ўрин олган. Сатрлари 22 қатор. Ўлчами 24х17 см. 80-варақдан бошланиб, 124-варақда тугайди. Йирик насх хатида ёзилган ва тиниш белгилари бор – кўчирувчи ҳар бир ҳадис охирига доирасимон тиниш белгилари қўйган... нусха кўчириш ҳижрий 593 йилнинг 17 жумоди-л-уло санасида Муҳаммад ибн Ҳибатуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Ҳибатуллоҳ ибн Абу Жирода қўли узра ниҳоясига етказилган» (at-Termizi, 2017).

Юқорида келтирилган маълумотларда тўпламнинг сақлов рақами бўйича Ҳ.Зайдон келтирган рақам (3585җ) билан мувофиқ бўлиб, М.Жуюший келтирган сақлов рақамига (145 تصوف) номувофиқдир. Аммо, котибнинг исми ва кўчирилган вақти М.Жуюший келтиргани билан деярли бир хил. Ҳ.Зайдон котибнинг исмини Ибн Адим, деб келтириб, кўчирилган вақтни ҳижрий 503 йил, деб кўрсатган. Бу эса, «Таҳсил назоир ал-Қуръон» ўзи билан бир жилдаги икки асардан 90 йил илгари кўчирилган, деган хулосага олиб келади. Тўпламнинг бошидан жой олган «ал-Масоил ал-макнуна» ва охиридан жой олган «Китоб ар-радд ала-л-муаттила» асарлари айнан битта вақтда (х. 593 й. 17 жумоди-л-уло) кўчириб тугатилиб, уларнинг ўртасидаги асар 90 йил аввал бошқа котиб томонидан кўчирилган бўлиши камёб ҳолат. Ушбу чалкашликлар «Китоб ар-радд ала-л-муаттила» нашрида келтирилган нусха кўчирувчи

котиб ҳақидаги маълумот орқали қисман ўз ечимини топади:

«Тўпламнинг кўчирувчиси – қози, зоҳид Абу Гоним Муҳаммад ибн Ҳибатуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Ҳибатуллоҳ ибн Аҳмад ибн қози Абу-л-Фазл Ибн ал-Адим ал-Уқайлий ал-Ҳалабий бўлиб, у мусанниф (Ҳаким Термизий) китобларининг кўпини кўчиргандир» (at-Termizi, нашр йили кўрсатилмаган:49).

Юқорида келтирилган парчадан маълум бўладики, Ҳ.Зайдон котиб деб келтирган Ибн Адим билан Муҳаммад ибн Ҳибатуллоҳ айнан бир шахс бўлиб, Ҳ.Зайдон котибнинг исми ўлароқ шажаранинг охириги қисмини, М.Жуюший эса бош қисмини олган. Ҳ.Абу-р-Раҳаб ва О.Зарқий бошчилигидаги тадқиқотчилар гуруҳи эса котибнинг тўлиқ исмини келтирганлар. Демак, айти тўпламнинг турли қисмларини турли даврларда нашрга тайёрлаган тадқиқотчилар айнан битта манбага таянганлар, деган хулосани айтиш мумкин.

Кейинги масала – М.Жуюший келтирган тартиб рақамдаги (145 تصوف) фарқдир. «Таҳсил назоир ал-Қуръон»ни 1969 йилда нашр қилган Ҳ.Зайдон ҳам, «Китоб ар-радд ала-л-муаттила»ни 2017 йилда нашр қилган тадқиқотчилар ҳам асос манбанинг сақлов рақамини 3585җ деб келтирганлар. Искандариядаги Баладия кутубхонасининг энг янги каталогда ҳам қўлёзма тўпламнинг сақлов рақами айнан 3585җ деб келтирилган (Искандария Баладияси қўлёзмалари каталоги, 1998:333). Ушбу зиддият сабаби М.Жуюший тўпламнинг каталогдаги тартиб рақамини сақлов рақамининг ўрнига ёзиб қўйганига бориб тақалса керак. Чунки, Искандариянинг Баладия кутубхонаси каталогларида барча қўлёзмалар М.Жуюший келтирган тартибдаги каби рақам ва мавзу билан эмас, балки, рақамлар ва җ (бу ўринда араб алифбосидаги «жим» ҳарфи «жилд» маъносида қўйилган) ҳарфи билан белгилаб чиқилган. Боблар мавзуларга ажратилган ва М.Жуюший келтирган рақам катта эҳтимол билан каталогдаги тасаввуфий асарлар бобидаги 145-тартиб рақам бўлиши керак.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида Ҳаким Термизийнинг учта асарини ўз ичига олган ва таркибида «Таҳсил назоир ал-Қуръон»нинг ягона нусхаси мавжуд қўлёзма тўпламнинг тавсифий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- тўпламнинг умумий ҳажми 125 лавҳа² яъни варақдан иборат (at-Termiziy, 2017:50).

- тўпламдаги асарлар жойлашуви:

«ал-Масоил ал-макнуна» 1-47 лавҳалар³;

«Таҳсил назоир ал-Қуръон» 48-79-лавҳалар (at-Termiziy, 1969:16);

«Китоб ар-радд ала-л-муаттила» 80-124-лавҳалар (at-Termiziy, 2017:50);

- тўпламдан жой олган асарларнинг барчаси бир вақтда бир котиб томонидан ҳижрий-қамарий тақвимда 593 йилнинг 17 жумоди-л-уло санада кўчирилган бўлиб, бу милодий 1197 йилнинг 13 апрелига тўғри келади. Котиби – Абу Ғоним Муҳаммад ибн Ҳибатуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Ҳибатуллоҳ ибн Аҳмад ибн қози Абу-л-Фазл Ибн Адим ал-Уқайлий ал-Ҳалабийдир. «Таҳсил назоир ал-Қуръон»ни нашрга тайёрлаган Ҳ.Зайдон бу масалада кўчирилган санани 1110 йил деб кўрсатиб, чалкашликка йўл қўйган;

- тўплам тўлиғича аниқ-равшан насх хатида кўчирилган бўлиб, матн ҳар бир бетда 22 қатор. «Китоб ар-радд ала-л-муаттила» ноширлари ва Искандария кутубхонаси каталогида ҳам сатрлар сони айнан шундай кўрсатилган. М.Жуюший «ал-Масоил ал-макнуна» нашрида нима сабабдан сатрлар сонини 21 қатор, деб бергани номаълум. Балки, у Ҳ.Зайдон келтириб ўтган янги нусхага таяниб шундай деган бўлиши мумкин. Ҳ.Зайдон эса асл нусханинг бу жиҳати ҳақида маълумот бермаган.

- тўпламнинг ўлчамлари Искандария кутубхонаси каталогида 24x15,5см (Искандария Баладияси қўлёзмалари каталоги, 1998:333), «Китоб ар-радд ала-л-муаттила» нашрида эса 24x17см (at-Termiziy, 2017:50), деб келтирилган. Бундай зиддият қўлёзма муқова билан ва муқовасиз ўлчанишининг натижасида ёки бошқа бир сабаб билан юзага келиши мумкин. Умумий кўрсаткичларда катта фарқ йўқ. Ҳ.Зайдон ва М.Жуюший ўз нашрларида бу тўғрисида маълумот келтириб ўтмаганлар.

- тўплам яхши сақланган, нуқсонсиз, намлиқ таъсири ўтган ва тешилган жойлари бор. Жилддан

бўшаб, узилган, оқ қоғоз билан ямалган ва охирида кўчган жойлари ҳам мавжуд (Искандария Баладияси қўлёзмалари каталоги, 1998:333).

Ҳозирги кунда Баладия кутубхонасининг биноси авария ҳолатига келиб қолагани сабабли қўлёзма фонди тўлиғича Искандария кутубхонасига ўтказилган ва шулар қаторида «Таҳсил назоир ал-Қуръон»нинг қадимий нусхаси ҳам янги кутубхонада сақланмоқда.

Қоҳира нусхаси. Аввал айтиб ўтилганидек, Ҳ.Зайдон «Таҳсил назоир ал-Қуръон»нинг янги кўчирилган қўлёзмаси (Қоҳира нусхаси) ҳам мавжуд бўлиб, у «Дор ал-кутуб ал-Мисрийя» кутубхонаси фондида 19516^б рақами остида сақланиши ҳақида ҳам маълумот келтириб ўтган. Унинг айтишича, ушбу қўлёзма нусханинг юзага келишига 3585^ж/ II Искандария нусхаси асос бўлган. Ҳ.Зайдоннинг таъкидлашича, ушбу нусха хатоларга тўла бўлиб, бунинг сабаби нусха кўчирувчининг матнни яхши тушунмаганига бориб тақалади. Шунга қарамай, ушбу янги қўлёзмада эски асл нусхадаги Қуръон оятларининг ёзилишида йўлга қўйилган айрим камчиликлар тўғрида кетилишига алоҳида эътибор қаратилган. Асар 80 саҳифадан (бет) жой олган бўлиб, Ҳар бир саҳифанинг ўлчами 26x19 см ташкил этиб, 21 сатрдан иборат (at-Termiziy, 1969:16).

Ҳ.Зайдон қўлёзманинг «янги» эканини айтган ҳолда, унинг кўчирилган вақти ва котиби ҳақида маълумот бермайди. М.Жуюший ҳам бу нусха тўғрисида ҳеч қандай маълумот келтириб ўтмаган. «Китоб ар-радд ала-л-муаттила» ноширлари келтирган маълумотлар эса Ҳ.Зайдон келтирганидан биров фарқли. Улар «Дор ал-кутуб ал-Мисрийя» кутубхонаси фондидаги 19370^б рақамли микрофильмдан фойдаланган бўлиб, унинг қўлёзмаси Искандария нусхасидан кўчирилганини таъкидлаганлар. Варақлар сони 73 варақ, сатрлари 21 қатордан, ўлчами 22x13 см. Бир текис насх хатида кўчирилган ва тиниш белгилари бор. Оқ (бўш қолдирилган) ўринлари бор, уларнинг ёнига ҳошия сифатидан «асл нусхада оқ», деб ёзиб кетилган. Кўчириб тугатилган сана якшанба куни 12 жумоди-л-уло, ҳижрий 1355 йил. Бу сана милодий 1936 йил 30 августга тўғри келади. Котиби Маҳмуд Ҳамдий «Дор ал-кутуб ал-Мисрийя»нинг хомийлиги асосида (буюртмасига кўра) кўчирган (at-Termiziy, 2017:51).

² Араблар қўлёзмани тавсифлашда икки бетни бир лавҳа деб қабул қиладилар.

³ Ушбу рақам «Таҳсил назоир ал-Қуръон»га қадар бўлган варақлар сонидан ва қўлёзманинг бенуқсон экани жиҳатидан келиб чиқади, аслида каталогда ва М.Жуюший тайёрлаган «ал-Масоилу-л-макнуна» нашрида ҳам ушбу асарнинг ҳажми келтириб ўтилмаган.

Шу ўринда Ҳ.Зайдоннинг маълумотида аниқлик киритиб ўтиш жоиз. Ҳижрий 1355 йилнинг 12 жумоду-л-уло санаси 1936 йилнинг 30 июнь санаси, пайшанба кунига тўғри келар экан. Ҳижрий 1355 йил 12-13 жумоду-с-соний санаси эса ҳақиқатан ҳам 1936 йилнинг 30 августи якшанба кунига мувофиқ келади. Бу ўринда мўлжал учун ҳафта куни аниқроқ экани эҳтимолидан қўчирилган ой жумоду-л-уло эмас, жумоду-с-соний бўлиши керак.

19516^б рақамли Қоҳира қўлёзмасининг фотонусхаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказида сақланади. Унинг тавсифи ЎзР ФА томонидан тайёрланган ва нашр этилган «Термизлик олимлар асарларининг жаҳон фондларидаги қўлёзмалари каталоги»да келтириб ўтилган. Унга кўра қўлёзманинг қўчирилган йили 1936, котиби Маҳмуд Ҳамдий. Ҳажми: 41 арақ (202а-242б). Сатрлар сони 21 қатор. Ўлчами 30х21 (Termizlik olimlar asarlarining jahon fondlaridagi qo'lyozmalari katalogi, 2018:27).

Демак, иккинчи «янги» қўлёзма ҳам худди асл нусха каби учта асарни ўз ичига олган ва уларнинг жойлашуви ҳам асл нусхадаги каби сақлаб қолingan. Сатрлар сони 22 қатордан 21 қаторга ўзгарган. Қўчирилган йили 1936. Котиб Маҳмуд Ҳамдий. Аммо ўлчамлар ва ҳажм борасида Ҳ.Зайдон бошқа (26х19, 80 бет), «Китоб ар-радд ала-л-муаттила» ноширлари бошқа (22х13, 73 арақ), ЎзР ФА каталоги эса буткул бошқа (30х21, 41 арақ) маълумотларни кўрсатиши яна зиддиятли ҳолатни юзага келтиради.

Бу вазиятда Ҳ.Зайдон маълумотлари ишончлироқ дейиш мумкин ва бу қуйидаги таҳлилий хулосаларга таянади:

- Ҳ.Зайдон «янги» нусханинг ўлчамларини батафсил келтирганидан, у ушбу маълумотни қатъий ишонч билан айтгани кўриниб турибди;

- Ҳ.Зайдоннинг асар ҳажмини 80 бет, деб келтириши ЎзР ФА тавсифидаги 41 араққа тўғри келади, чунки ҳар бир арақда иккитадан бет бўлиши ҳажман 80-81 бет дегани;

- «Китоб ар-радд ала-л-муаттила» ноширлари ва ЎзР ФА ўлчам масаласида микрофильм ва фотонусханинг ўлчамларига таянганлар. Бу эса асл нусханинг ўлчами ҳақида аниқ тасаввурни бермайди. Шунинг учун ўлчам масаласида Ҳ.Зайдон келтирган маълумотларга таяниш тўғрироқ бўлади. Шу билан бирга, Ҳ.Зайдоннинг Қоҳира нусхаси

тўғрисида тақдим этган маълумотлари ҳам тўлиқ эмас.

Қоҳира нусхасининг фотонусхаси ўрганиб чиқилганда каталогларда келтирилган маълумотлардан биров фарқли ҳолатлар аниқланди. Хусусан, асарларнинг фотонусхаси «Дор ал-кутуб ал-Мисрийя»нинг янги номи «Дор ал-кутуб ва-л-васоик ал-қавмийя би-Миср» (Миср халқ китоблар ва ҳужжатлар уйи) билан унвонланган ва мундарижа келтирилган. Мундарижадан маълум бўлишича, Қоҳира тўпламида Ҳаким Термизий асарлари қуйидаги тартибда жамланган:

«Таҳсил назоир ал-Қуръон»;

«ал-Масоил ал-макнун»;

«ар-Радд ала-л-муаттила»;

«ал-Мароъ»;

«Китоб ал-аъзо ва ан-нафс ва тафсир оёт азийма».

Юқорида келтирилган маълумотдан аён бўладики, 19516^б рақамли Қоҳира нусхаси катта ҳажмдаги тўплам таркибида бўлиб, унга Ҳаким Термизийнинг Искандария тўпламида мавжуд бўлмаган яна икки асари киритилган. Мазкур тўпламда «Таҳсил назоир ал-Қуръон»нинг Қоҳира нусхаси биринчи тартибда жойлашган. Яъни тўпламлардаги асарлар жойлашуви ва сони ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Қоҳира нусхасининг Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказида мавжуд фотокопияси тадқиқ этилганда қўлёзманинг қуйидаги хусусиятлари аниқланди:

«Таҳсил назоир ал-Қуръон» тўпламда биринчи 19516^б/I жойлашган асар бўлиб, қўлёзма қадимги қўлёзмалар анъанасига кўра «1б» бетдан эмас, замонавий нашрлар шаклида «2а» бетдан ёзила бошлаган;

қўлёзманинг барча бетлари рақамлангани туфайли арақларни «а» ва «б» бетларга ажратишга эҳтиёж қолмаган;

асар бошланган 2-бетдаги сатрлар сони дуо жумласи ва басмала билан қўшганда 20 қатор, қолган бетлардаги сатрлар сони 21 қатордан иборат, ҳар бир бет пойгир билан таъминланган;

хати нотекис насх хатида ёзилган, майда ва бадхат, диакритик белгилари бор, Искандария нусхасидан фарқли равишда «ҳамза» белгилари ёзиб чиқилган⁴;

айрим бетларда Ҳ.Зайдон айтиб ўтган «оқ ўринлар» бор, котиб хошияга «аслида оқ» (في أصله بيضاء), деб белгилаб кетилган;

⁴Искандария нусхасида Куфа нахв мактаби қоидаларига таянган ҳолда ҳамзанинг ўрнига ҳарф (ا-و-ي) қўлланган.

иккита хошияда Искандария нухасида келган Қуръон оятлари ёзилишига тўғрилаш киритилган, аммо асл матн қандай бўлса шундай қўчирилган;

Қўлзманинг боши:

ما شاء الله لا حول ولا قوة إلا بالله || بسم الله الرحمن الرحيم ||
قال أبو عبد الله رحمة الله عليه...

«Аллоҳнинг хоҳлаган нарсаси, куч ва қувват Аллоҳ туфайлидир. Меҳрибон – марҳаматли Аллоҳ номи ила! Унинг узра Аллоҳ раҳмати бўлсин, Абу Абдуллоҳ деди... деган жумлалар билан бошланган.

Қўлзманинг охири:

كتبه الفقير إلى الله عيده محمود حمدي على نفقة دار || الكتب
المصرية من المجموعة الواردة من مكتبة بلدية الإسكندرية الموضوعه
تحت رقم (3585) ج وكان || الفراغ منه يوم الثلاثاء خامس شهر ربيع
الأول من || شهور سنة 1355 ألف وثلاثمائة وخمس وخمسين || هجرية
موافق 26 مايو 1936 || ميلادية والحمد لله رب العالمين || وصلى الله
على سيدنا محمد || النبي وعلى آله || وصحبه وسلم || تسليما || كثيرا || تم.

«Аллоҳнинг мухтож бандаси Махмуд Ҳамдий «Дор ал-кутуб ал-Мисрийя»нинг нафақасига Искандариянинг Баладия кутубхонасида мавжуд 3585 рақам остида сақланувчи тўпламдан қўчириб ёзди. Милодий 1936 йилнинг 26 майига мувофиқ келувчи 1355 ҳижрий йилнинг ойларидан бўлмиш рабиъ ул-аввалнинг бешинчиси, сешанба куни бундан фориг бўлиндики, оламлар парвардигори Аллоҳга ҳамд ва жанобимиз умий пайгамбар Муҳаммад ва унинг хонадонига ҳамда саҳобийларига қўплаб саловот ва саломлар бўлсин!», деган жумла билан якун топган.

«Китоб ар-радд ала-л-муаттила» ноширлари ўзлари таянган қўлзма ёзилган вақти 1936 йилнинг июнь-август ойларига тўғри келишини қайд этганидан маълум бўладики, котиб ҳар бир асарни ёзиб тугатган вақтига алоҳида тарих қўйган ёки тўплам кетма-кет ёзилган қўлзмаларнинг бир жилдга жамланишидан юзага келган. Қўлзма ўлчамларининг турлича келтирилиши сабаби шундан бўлиши мумкин. Яъни дастлаб қўлзмалар бир-биридан биров фарқ қилувчи варақларга битилиб, охирида бир жилдга жамланган.

ХУЛОСА

Келтириб ўтилган маълумотлар «Таҳсил назоир ал-Қуръон» асарининг ҳозирда жаҳон фондларида мавжуд қўлзмалари ҳамда фотонусха ва микрофильмлари ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун етарли. Аммо, каталог ва тадқиқотларда келган аксар тавсифий маълумотлар қайта қўриб чиқишга мухтож.

Ўрганиш жараёнида Ҳ.Зайдон, М.Жуюший ва «Китоб ар-радд ала-л-муаттила» ноширлари келтирган маълумотлар орасида сақлов рақамлари, ўлчамлар, сатрлар сони ва қўчирилиш санаси борасида зиддиятлар мавжудлиги аниқланди. Бу фарқлар айрим ҳолларда каталог рақамлари билан сақлов рақамларининг адаштирилиши, ўлчамларни турлича ўлчаш ва қўлзмаларнинг бир жилдга кейинроқ жамланиши билан изоҳланиши мумкин.

Юқоридаги таҳлиллар «Таҳсил назоир ал-Қуръон» асарининг қўлзмалари тарихи ва манбавий аҳамиятини аниқлашда муҳим ўрин тутди. Шу билан бирга, қўлзма тавсифлари бўйича мавжуд илмий маълумотлар қайта қўриб чиқирилиши ва ягона стандартга солиниши зарурлигини кўрсатмоқда.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. al-Juyushiy, Muhammad Ibrohim. (1980). al-Hakim at-Termiziy – dirosatun li-osorihi va afkorihi. Qohira: Doru-n-nahzati-l-arabiyya.
2. ar-Radd ala-l-muattila. Tadqiqotchilar guruhi nashrga tayyorlagan. Giza: ar-Ravza li-n-nashr va-t-tavze.
3. at-Termiziy, al-Hakim. (1969). Tahsil nazoir al-Qur'on. Nashrga tayyorlovchi: Husniy Zaydon. Qohira: Matbaatu-s-saoda.
4. at-Termiziy, al-Hakim. (1980). al-Masoil al-maknuna. Nashrga tayyorlovchi Muhammad Ibrohim al-Juyushiy. Qohira: Doru-t-turosi-l-arabiyy.
5. at-Termiziy, al-Hakim. (2017). ar-Radd ala-l-muattila. – Tadqiqotchilar guruhi nashrga tayyorlagan. Giza: ar-Ravza li-n-nashr va-t-tavze.
6. Termizlik olimlar asarlarining jahon fondlaridagi qo'lyozmalari katalogi. (2018). Toshkent: «Fan» nashriyoti.
7. Fihris maxtutot baladiyya al-Iskandariya (Iskandariya Baladiyasi qo'lyozmalari katalogi). (1998). Iskandariya: al-Hay'a al-omma li-maktaba al-Iskandariyya.

REFERENCES

1. al-Juyushi, Muhammad Ibrohim. (1980). al-Hakim at-Termizi – dirosatun li-osorihi va afkorihi. Cairo: Doru-n-nahzati-l-arabiyya.
2. ar-Radd ala-l-muattila. Tadqiqotchilar guruhi nashrga tayyorlagan. Giza: ar-Ravza li-n-nashr va-t-tavze.
3. at-Termiziy, al-Hakim. (1969). Tahsil nazoir al-Qur'on. Nashrga tayyorlovchi: Husniy Zaydon. Cairo: Matbaatu-s-saoda.

4. at-Termiziy, al-Hakim. (1980). al-Maso‘il al-maknuna. Nashrga tayyorlovchi Muhammad Ibrohim al-Juyushiy. Cairo: Doru-t-turosi-l-arabiy.
5. at-Termiziy, al-Hakim. (2017). ar-Radd ala-l-muattila. – Tadqiqotchilar guruhi nashrga tayyorlagan. Giza: ar-Ravza li-n-nashr va-t-tavze.
6. Fihris maxtutot baladiyya al-Iskandariya (Iskandariya Baladiyasi qo‘lyozmalari katalogi). (1998). Iskandariya: al-Hay’a al-omma li-maktaba al-Iskandariyya.
7. Termizlik olimlar asarlarining jahon fondlaridagi qo‘lyozmalari katalogi. (2018). Toshkent: «Fan» nashriyoti.

